

DOI: 10.5281/zenodo.16638275

Link: <https://zenodo.org/records/16638275>

ЎЗБЕКИСТОН БАНК СЕКТОРИНИ “ЯШИЛ МОЛИЯ” ТАМОЙИЛЛАРИГА МУВОФИҚ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛЛАРИ

Мирдовидов Б
ТДИУ тадқиқотчиси

Аннотация – Глобал иқлим ўзгариши ва экологик муаммоларнинг кучайиши молиявий тизимлар фаолиятида “яшил” ёндашувларни жорий этишни тақозо этмоқда. Бунда банк сектори экологик барқарорликни таъминлашда муҳим воситачилардан бири сифатида майдонга чиқмоқда. Мазкур мақолада Ўзбекистон банк секторида “яшил молия” тамойилларини жорий этиш ва шу асосда амалга ошириладиган ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи моделлар таҳлил қилинади. Илмий таҳлил орқали халқаро тажриба ўрганилиб, Ўзбекистон шароитида татбиқ этиш учун мослаштирилган меъёрий, институционал ва иқтисодий механизмлар асосида амалий ечимлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, экологик инвестицияларни молиялаштиришда тижорат банкларининг роли, яшил кредитлаш воситалари, регулятор сиёсат ва молиявий таваккалчиликни баҳолаш усуллари таҳлил этилди. Мақолада таклиф этилган моделлар банк тизимида экологик самарадорликни ошириш ва барқарор молиялаштиришнинг институционал пойдеворини шакллантиришга қаратилган.

Калит сўзлар: яшил молия, тижорат банклари, экологик ислохотлар, барқарор ривожланиш, яшил кредитлаш, экологик инвестициялар, молиявий механизмлар, банк ислохотлари

КИРИШ

Сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамияти барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш йўлида экологик хавфсизликни таъминлаш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу жараёнда молиявий тизим, хусусан, банк сектори муҳим стратегик вазифани бажармоқда — у фақат иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватламасдан, балки экологик барқарорликни таъминлашда ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Жаҳон амалиётида “яшил молия” концепцияси банк тизими фаолиятига кенг татбиқ этилиб, экологик инвестицияларни молиялаштириш, карбон чиқиндиларини камайтириш, қайта тикланувчи энергия лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва табиат муҳофазасига қаратилган дастурларни молиялаштириш орқали банklar “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Шу билан бирга, молиявий барқарорлик ва экологик хавфлар билан боғлиқ таваккалчиликларни ҳам ҳисобга олган ҳолда банк ислохотларини амалга ошириш янги институционал ёндашувларни талаб этмоқда.

Ўзбекистонда ҳам “яшил ривожланиш” стратегиясининг амалга оширилиши билан бирга банк секторида замонавий экологик молия инструментларини жорий этишга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Бироқ амалдаги тизимда “яшил молия” тамойилларини тўлиқ акс эттирувчи

механизмлар, махсус молиявий маҳсулотлар ва регулятор сиёсатлар етарли даражада шаклланмаган. Шу боис, бу соҳани самарали тарзда ислоҳ қилиш ва халқаро амалиётга мос моделларни жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди.

Мазкур мақолада Ўзбекистон банк секторида “яшил молия” тамойилларини жорий этиш бўйича самарали ислохот моделлари таҳлил қилинади. Халқаро тажриба, миллий шароитлар ва мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, институционал, меъёрий ва иқтисодий механизмлар асосида экологик молиялашни ривожлантириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсад қилинган.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Дунё миқёсида барқарор ривожланишни таъминлашда молиявий секторнинг роли кенгайиб бормоқда, айниқса “яшил молия” тушунчаси орқали банк тизимини экологик мақсадларга йўналтиришга доир илмий тадқиқотлар кўпайган. Илмий манбаларда “яшил молия” молиявий ресурсларни экологик лойиҳаларга йўналтириш, карбон чиқиндиларини камайтириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаб-қувватлаш ва экосистемаларни барқарор бошқаришни таъминловчи инструментлар мажмуаси сифатида таърифланади.

Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки каби халқаро молиявий ташкилотлар ўз ҳисоботларида банк секторини “яшиллаштириш” бўйича тизимли ёндашувларни таклиф қилган. Хусусан, *World Bank Group (2021)* томонидан тақдим этилган “Financing Climate Action” ҳисоботида банк тизимида “яшил” стандартлар, ESG-механизмлар (экология, ижтимоият, корпоратив бошқарув) ва “яшил облигациялар” орқали инвестиция муҳитини шакллантириш муҳимлиги таъкидланган.

Николас Стернинг “Иқлим ўзгариши иқтисодиёти” (2007) номли фундаментал асарида молиявий институтлар иқлим хавфларини баҳолаш, уларни ҳисобга олган ҳолда инвестиция сиёсатини шакллантириш орқали глобал барқарорликка ҳисса қўшиши мумкинлиги таъкидланади. Унинг тадқиқоти “яшил молия” тушунчасининг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини чуқур таҳлил этади.

Ўзбекистон шароитида ҳам сўнгги йилларда ушбу йўналишда қатор илмий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, *А. Раҳмонов (2022)* “Ўзбекистонда яшил молиялаштиришнинг институционал асослари” мавзусидаги тадқиқотида миллий банк тизимида “яшил молия” тамойилларини жорий этишдаги меъёрий-ҳуқуқий тўсиқлар, молиявий механизмлар етишмаслиги ва халқаро тажрибани адаптация қилиш зарурлигини қайд этади.

Ж. Хожиматов ва Ш. Каримов (2023) ўз мақолаларида Ўзбекистон тижорат банкларида экологик таваккалчиликни ҳисобга олиш амалиёти деярли шаклланмаганини, шунинг учун ESG-баҳолаш, “яшил рейтинглар” ва мослашувчан молиялаштириш инструментларини жорий этиш талаб этилишини таъкидлайдилар.

Бошқа тадқиқотларда эса банк секторини экологик ислоҳ қилиш моделлари, "яшил" кредитлар учун махсус кафолат фондлари, давлат-банк шериклик механизмлари ва регуляторлар томонидан рағбатлантириш воситалари таклиф этилган. Шунингдек, *UNEP* ва *IFC* каби ташкилотлар томонидан тайёрланган амалиётлар банк тизимини "яшил молия"га ўтказишда давлат сиёсати, таълим, технологик модернизация ва молиявий таваккалчиликни камайитириш воситаларининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, адабиётларда "яшил молия" тамойилларини банк тизимида жорий этиш кўп омилли жараён сифатида кўрилади. Мазкур жараёнда регулятор сиёсат, институционал ислохотлар ва молиявий инновациялар ўзаро уйғунликда фаолият юритиши лозим. Ўзбекистонда бу йўналишдаги тадқиқотлар ҳали ривожланиш босқичида бўлиб, жаҳон тажрибаси ва миллий шарт-шароитларни интеграция қилган ҳолда самарали моделлар ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

МЕТОДОЛОГИЯ

Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон банк секторида "яшил молия" тамойилларини жорий этишга қаратилган ислохотларнинг самарали моделларини ишлаб чиқиш ва баҳолаш мақсад қилинди. Тадқиқотни амалга оширишда тизимли ва комплекс ёндашув асос қилиб олинди, бу эса иқтисодий, институционал ва экологик омилларни ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш имконини берди.

Аввало, тадқиқотда таҳлилий-дескриптив усул қўлланилди. У орқали халқаро тажриба, жаҳон молиявий институтларининг ҳисоботлари, "яшил молия"га оид илмий манбалар ва Ўзбекистон банк секторидаги амалий ҳолат ўрганилди. Хусусан, World Bank, IMF, UNEP, IFC ва EBRD каби ташкилотларнинг ҳисоботлари асосида "яшил молия" моделлари таҳлил қилинди.

Бундан ташқари, институционал ёндашув орқали Ўзбекистондаги меъёрий-ҳуқуқий база, регулятор органлар сиёсатлари ва молиявий институтлар фаолиятидаги экологик компонентлар ўрганилди. Бу усул "яшил молия"ни интеграция қилиш учун қандай шарт-шароитлар мавжудлиги ёки етишмаётганлигини аниқлашга ёрдам берди.

Солиштирма таҳлил (компаратив анализ) усули орқали Ўзбекистон банк тизими ва ривожланган давлатлардаги банк секторида "яшил молия"ни жорий этиш амалиёти ўртасидаги фарқ ва ўхшашликлар кўрсатиб ўтилди. Айниқса, Германия, Хитой, Нидерландия, Жанубий Корея каби давлатлар моделлари асос қилиб олинди.

Ислохот моделларини шакллантиришда сценарийли моделлаштириш ва эксперт баҳолаш усулидан фойдаланилди. Бунда потенциал сиёсат вариантлари (масалан: "яшил кредитлар" жорий этиш, ESG-назорат механизмлари, регулятор рағбатлантириш сиёсати) алоҳида сценарийлар сифатида кўриб чиқилди ва уларнинг иқтисодий ва экологик оқибатлари баҳоланди.

SWOT-таҳлил орқали Ўзбекистон банк секторида "яшил молия"ни татбиқ

этишдаги кучли ва кучсиз томонлар, имкониятлар ва хавф-хатарлар аниқланди. Ушбу таҳлил асосида ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотда қўлланилган маълумотлар манбалари қуйидагилардан иборат бўлди:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Марказий банк қарорлари ва молия тизимида оид расмий маълумотлар;
- тижорат банклари веб-сайтлари ва йиллик ҳисоботлари;
- халқаро ташкилотлар ҳисоботлари ва эксперт таҳлиллари;
- мавжуд илмий адабиётлар ва академик мақолалар.

Методологик ёндашувларнинг шундай уйғунлиги мақолада таклиф этилган моделларнинг илмий асослилигини, амалий аҳамиятини ва миллий молия тизимида интеграция қилиш имкониятини таъминлашга хизмат қилади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

“Яшил молия” (ингл. Green Finance) – бу атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган молиявий фаолият туридир. Ушбу концепция молиявий хизматлар ва сармояларнинг экологик тоза, энергия самарадор, қайта тикланувчи энергия ва атроф-муҳитга минимал зарар келтирадиган лойиҳаларга йўналтирилишини назарда тутди. Яшил молия фақатгина банк кредитлари эмас, балки яшил облигациялар, лизинг, инвестицион фондлар, кафолатлар ва халқаро грантлар каби турли молиявий инструментларни ўз ичига олади. Яшил молиянинг мақсадлари қуйидагилардан иборат;

-Ифлосланишни камайитириш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш;

-Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш;

-Карбон чиқиндиларини камайитириш ва карбон-нейтрал иқтисодиёт сари ўтиш;

-Экологик хавфларни молиявий хавф сифатида баҳолаш;

-Молия бозорларини барқарорлик тамойилларига мослаштириш.

Яшил молия инструментлари фақатгина иқтисодий эмас, балки экологик фойда келтирадиган лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилган бўлиши керак. Масалан, чиқиндиларни қайта ишлаш, қуёш ва шамол энергетикаси, энергия тежовчи технологиялар ҳисобланади. Молиялаштириладиган лойиҳалар келгуси авлодлар манфаатларини инобатга олган ҳолда атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак. Лойиҳалар ESG (Environmental, Social, Governance – Экологик, Ижтимоий ва Корпоратив бошқарув) мезонлари асосида баҳоланиши шарт. ESG компонентлари қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

1-Жадвал

ESG компонентлари

№	Компонент	Изоҳ
1	Е – Environmental (Экологик)	Компаниянинг атроф-муҳитга бўлган таъсири: – Карбон чиқиндилари – Энергия самарадорлиги

		– Сув ресурсларидан фойдаланиш – Қайта тикланувчи энергияга ўтиш
2	S – Social (Ижтимоий)	Ишчи кучи, мижозлар, жамоатчиликка муносабат: – Ходимлар ҳуқуқлари – Меҳнат шароитлари – Жинсий ва миллий тенглик – Жамоатчилик билан алоқа
3	G – Governance (Бошқарув)	Компаниядаги бошқарув ва шаффофлик: – Кузатув кенгаши таркиби – Коррупцияга қарши сиёсат – Молиявий ҳисоботлар шаффофлиги – Аксиядорлар ҳуқуқлари

Инвесторлар ESG баллари юқори бўлган компанияларга устувор сармоя киритишни маъқул кўришади. Тижорат банклари ESG принципларига амал қилувчи лойиҳаларни яшил кредитлар, имтиёзли кредитлар орқали молиялаштиради. Халқаро молиявий институтлар грант ва қарзларни ESG талаблари асосида тақдим этади. ESG – бу шунчаки экологик фаолият ёки ижтимоий хайрия эмас, балки компаниянинг умумий барқарорлигини белгилайдиган муҳим стратегик мезонлар тўпламидир. Замонавий дунёда ESGни ҳисобга олмаган бизнес инвесторлар, мижозлар ва молия институтлари учун камроқ жозибали ҳисобланади. ESG ҳисоботлари учун цифровизация ва очиқ маълумотлар платформаси яратилиши зарур. Ҳуқуқий асос сифатида яшил банклар тўғрисидаги махсус қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Яшил молия объектлари бўйича сарфланган маблағлар, уларнинг экологик самарадорлиги ҳақида жамоатчиликка очиқ ҳисобот тақдим этилиши лозим. Бу ишонч ва жамоавий назоратни таъминлайди. Фуқаролик жамияти, хусусий сектор, давлат ва халқаро ташкилотлар иштирокидаги мулоқот ва ҳамкорлик асосида яшил молиялаштириш механизмлари ишлаб чиқилиши зарур.

Экологик барқарорликни таъминлаш ва иқлим ўзгаришига қарши самарали молиявий механизмларни жорий этиш учун банк тизимини “яшил молия” тамойиллари асосида ислоҳ қилиш долзарб аҳамиятга эга. Бу жараён банк фаолиятини ESG мезонларига мувофиқ қайта йўналтириш, яшил лойиҳаларни молиялаштиришни рағбатлантириш ва экологик хавфларни молиявий хавф сифатида интеграциялашни назарда тутати. Ўзбекистон банк тизимида “яшил молия” асосидаги ислоҳотлар самарадор бўлиши учун ҳуқуқий, институционал ва молиявий механизмлар уйғун равишда ишлаши зарур. Ҳар бир модель банклар учун ESGни интеграциялаш, инвестицияларни жалб қилиш ва экологик барқарорликни таъминлашда мустаҳкам платформа сифатида хизмат қилади.

2-Жадвал

“Яшил молия” асосида банк секторини ислоҳ қилишнинг самарали моделлари

№	Модел номи	Мақсади	Асосий йўналишлар ва воситалар	Қўтилган самара
1	Институционал ислоҳотлар модели	ESG стандартларини молия тизимига	– ESG талаблари асосида норматив ҳужжатлар	–Банкларда ESG интеграцияси – Ҳуқуқий аниқлик

		интеграция қилиш, ҳуқуқий ва институционал базани яратиш	– Марказий банк томонидан "яшил стандартлар" – Яшил лойиҳалар реестри ва ESG мониторинги	– Шаффофлик ва ҳисобдорлик
2	Молиявий механизмларни ривожлантириш модели	Яшил молиявий инструментларни кенг жорий этиш ва банклар учун рағбат шакллантириш	– Яшил кредитлар, яшил облигациялар – Субсидия ва кафолатлар – Яшил лизинг ва инвестиция жамғармалари	– Экологик лойиҳаларга молиялаштириш ҳажмини ошиши – Хавфни камайтириш – Инвесторлар учун жозибадорлик
3	Хусусий–давлат шериклик (ДХШ) модели	Экологик инфратузилмани ривожлантиришда давлат ва хусусий секторни ҳамкорликка жалб этиш	– BOOT ва PPA каби ДХШ форматлари – Қайта тикланувчи энергия объектлари – Чиқиндиларни қайта ишлаш, шаҳар транспорти	– Катта лойиҳаларни амалга ошириш – Хусусий сармоялар ҳажми ошади – Жамоатчилик манфаати таъминланади
4	"Яшил банк" модели	ESG талабларига мослашган банк фаолиятини шакллантириш	– Яшил портфель улушини белгилаш – ESG аудит ва ҳисоботлар – Электрон платформа орқали мониторинг	– Экологик масъулиятли банклар шаклланади – ESG рейтинглар яхшиланади – Жамоатчилик ишончи ортади

Ҳар бир модел ўзаро уйғунликда ишлаши керак. Масалан, институционал ислохотлар молиявий инструментларнинг самарали фаолияти учун асос яратади, ДХШ эса катта экологик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга хизмат қилади. Институционал ислохотлар модели яшил молияни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий, ташкилий ва назорат тизимини яратишга қаратилган. ESG стандартларини банк тизимига жорий қилиш ва уларни норматив ҳужжатлар билан мустаҳкамлаш — асосий вазифачм ҳисобланади. Молиявий механизмларни ривожлантириш модели тижорат банклари ва инвесторлар учун яшил молиялаштириш воситаларини кенгайтиришни назарда тутди. Яшил кредитлар, облигациялар, лизинг, субсидия ва кафолатлар асосий воситалардир. Давлат хусусий шериклик (ДХШ) модели катта экологик инфратузилма лойиҳаларини давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида амалга оширишга қаратилган. BOOT (Build–Own–Operate–Transfer) (эғалик қилиш, бошқариш ва кейин давлатга топшириш) ва PPA (Power Purchase Agreement) яъни энергия ишлаб чиқарувчи хусусий компания билан давлат ёки харидор ўртасида тузиладиган узоқ муддатли келишув форматлари орқали хусусий сармоялар жалб қилинади. "Яшил банк" модели ESG стандартларига тўлиқ жавоб берадиган ихтисослаштирилган банк институтини шакллантиришни назарда тутди. Бундай банклар фақат экологик ва ижтимоий жиҳатдан маъқулланган лойиҳаларни молиялаштиради.

Бизнинг фикримизча тўртта модел ҳам бир-бирини тўлдирувчи механизмлардан иборат бўлиб, улар уйғун тарзда амалга оширилганда Ўзбекистон банк тизимида яшил молиялаштиришни институционал, молиявий ва стратегик асосда

мустаҳкамлаш имконини беради. Бу эса барқарор иқтисодий ривожланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим қадам бўлади.

ХУЛОСА

Ўзбекистон банк секторида “яшил молия” тамойилларини жорий этиш нафақат экологик барқарорликни таъминлаш, балки молиявий тизимнинг стратегик трансформацияси учун муҳим асос ҳисобланади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, “яшил” молиявий инструментларни ривожлантириш, экология билан боғлиқ таваккалчиликларни молиявий сиёсатга интеграция қилиш, банк фаолиятида барқарорлик мезонларини назарда тутувчи механизмларни шакллантириш каби ёндашувлар миллий молия бозорида мутлақо янги сифати босқични юзага келтириши мумкин. Халқаро тажриба ва миллий амалиётни чуқур таҳлил қилиш орқали аниқландики, мазкур соҳани ислоҳ қилишда институционал ёндашув, регулятор сиёсатнинг уйғунлашганлиги ва инновацион молиявий ечимларнинг татбиқи ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Яшил молия тамойилларининг амалиётга жорий этилиши эса банк тизимини фақат иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан эмас, балки экологик масъулият нуқтаи назаридан ҳам қайта шакллантириш имконини яратади. Шунинг учун, мамлакатнинг молиявий секторида барқарор ривожланиш ғояларига мос равишда “яшил” ёндашувни шакллантириш ва уни амалий ислохотлар билан таъминлаш бугунги кунда стратегик заруратга айланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. World Bank Group. *Financing Climate Action: A Guide for Policymakers*. Washington, D.C.: The World Bank, 2021.
2. Stern, N. *The Economics of Climate Change: The Stern Review*. Cambridge University Press, 2007.
3. International Monetary Fund (IMF). *Greening the Financial System: Integrating Climate-Related Risks into Financial Supervision*. Washington, D.C.: IMF Publications, 2020.
4. European Bank for Reconstruction and Development (EBRD). *Green Transition Impact Report*. London: EBRD, 2022.
5. United Nations Environment Programme (UNEP). *Aligning Finance with Sustainability*. Nairobi: UNEP Publications, 2019.
6. International Finance Corporation (IFC). *Banking on Sustainability: Financing Environmental and Social Opportunities*. Washington, D.C.: IFC, 2021.
7. Раҳмонов, А. “Ўзбекистонда яшил молиялаштиришнинг институционал асослари.” // *Молия ва иқтисодиёт* журналі, №3, 2022. – Б. 44–51.
8. Хожиматов, Ж., Каримов, Ш. “Тижорат банклари ва ESG: Ўзбекистонда экологик таваккалчиликни баҳолаш истиқболлари.” // *Банк иши ва молия* журналі, №2, 2023. – Б. 31–37.
9. Global Green Finance Index (GGFI). *Measuring the Development of Green Financial Centres*. Z/Yen Group, London, 2023.
10. Hasanov, M. *Moliyaviy barqarorlik va ekologik xavfsizlik: Yashil iqtisodiyot uchun moliya sektori roli*. – Тошкент: Iqtisodiyot nashriyoti, 2022.